



Саидвафо БОБОЕВ

Бу галги меҳмонимиз истеъдодли ёзувчи Саидвафо БОБОЕВ. У 1961 йилда Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида тугилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. “Сиртмоқ қошидаги ўйлар”, “Мен англаган ҳақиқатлар”, “Армонли дунё”, “Қонли қилич” каби китоблари чоп этилган.

ТАҲРИРИЯТ

ДЕВ УРГАН ҚИЗ

Мен бу кўшиқни илк марта онамдан эшитганман. Тўғри, у пайтлар бу хиргойидаги моҳиятни тушунмаганман. Лекин ундаги нолаю армон жуда-жуда таниш ва кўнгилга яқин эди. Онам ҳар доим ўчоқ бошида ана шу кўшиқни хиргойи қиларди.

Қалдирғоч қаро экан,
Қаноти ола экан.
Ёшлиқда берган кўнгил
Айрилмас бало экан...

Қанчалар содда ва самимий мисралар. Бу содалик замирида жозоба бор, табиийлик бор. Мен бу жозибани энди-энди тушунапман. Чунки бу кўшиқни мен энди фақатгина эшитиб қолмай, балки шу нолалар билан бирга яшаяпман ҳам. Бу "тажриба"дан шуниси ойдинлашмоқдаки, инсон бировларнинг дардини ҳис қилиши учун ўзи ҳам ана шу дардни бошидан кечириши керак экан.

... Кўзларимни юмаман. Қаршимда... у! Ўша қаро кўзлар, қалдирғочнинг қанотидек қайрилма қошлар... У менга нечундир гинали-гинали қараб тургандек бўлаверади. Шунда беихтиёр кўрқиб кетаман. Наҳотки, унинг фожиасига мен айбдор бўлсам?! Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Ахир, уни ўша лаънати булоққа мен етакламаган эдим-ку! Бу фикр Зарифанинг ўзидан чикди-ку! Унинг ўзи мени ҳоли-жонимга қўймади-ку!.. Мен ўзимга қанчалик тасалли бермайин, барибир Зарифани ўйлаган сайин ўзимни гуноҳкор ҳис қилавераман. Ўйламасликнинг эса сира иложи йўқ. Яъни...

Қалдирғоч қаро экан,
Қаноти ола экан.

Ёшлиқда берган кўнгил
Айрилмас бало экан...

Ўшанда айна баҳор эди. Она заминга табиат яшиллик лашкарини тортган, дала-даштларнинг баходир елкалари кип-қизил алвонга айланган эди.

Биз ўн биринчи синфда ўқирдик. Бир куни ўқитувчиларимиз мактабимиз ўқувчиларини экскурсияга олиб чиқишмоқчи бўлишди. Бу хуш-хабардан биз ўқувчиларнинг бошимиз осмонда эди. Айниқса, менинг қувончим ичимга сиғмасди. Чунки мен ўқитувчиларимиздан экскурсия ҳақидаги муждани эшитган замон кўнглимга бир эзгу ниятни тугиб қўйган эдим. Мен бу ниятни салкам етти йилдан бери кўнглимнинг туб-тубида асраб келдим. Шу йиллар давомида синфдошим Зарифага бу сирни бир неча марта айтмоқчи бўлдим. Аммо... айтолмадим. Нима учундир ҳар сафар унга рўбарў келганимда тилим айланмай, танимдан мадорим чиқиб кетгандай бўлаверарди. Лекин бу сафар Зарифага албатта айтаман! Мен сени севаман, дейман! Эҳ бу сўзни қанчалар асрадим-а! Аслида, менинг кўнглимдаги гапларни ҳар доим кўзларим айтиб турарди. Лекин бу тарздаги дил розини Зарифа тушуниб тушунмасликка оларди.

Хуллас, мен экскурсияга чиқадиган кунни зўр интиқлик билан кутдим. Ниҳоят, ўша менга бахт ваъда қилган кун келди. Мактабимиз болалари билан еттита автобусда тоққа жўнадик. Тахминан бир соатлар йўл юргач, қуёш терак бўйи кўтарилганда манзилга етиб келдик. Ҳамманинг юзида қувонч, кулги. Қирлардаги табиатнинг мўъжизаси ҳам бизнинг қувончларимизга ҳамоҳанг эди.

Автобусдан тушгач, ўқитувчиларимиздан тегишли топшириқларни олдик-да, синф-синф бўлиб тоққа йўл олдик. Аслида биз тоғ деб эътироф этаётганимиз у қадар тоққа ҳам ўхшамасди. Лекин баланд-баланд қирлар, ҳозир устингга қулайдигандек бўлиб турган қоятошлар, арчазорлар қандайдир сирли ва ўзига хос жозиба касб этиб турарди.

Синфдошлар билан ўйин-кулги қилиб кетаяпман-у, хаёлим Зарифада. У бугун шу қадар очилиб кетган эдики, уни ҳеч қачон бу қадар қувноқ ва чиройли қиёфада кўрмаганман. Сездим, Зарифа ҳам менга қараб-қараб қўяпти. Ким билсин, эҳтимол, у ҳам менинг йиллар бўйи айтолмай юрган изҳорларимни айнан бугун эшитишни орзу қилаётгандир.

Биласизми, аслида, биз бир-биримизни ёқтиришимизни айтишимиз унчалик ҳам шарт эмас эди. Чунки шундоғам бутун синф бу пинҳоний муҳаббатдан хабардор эди. Биз Зарифа билан алланималарни муҳокама қилаётганимизда сирли-сирли шивир-шивирларни, кўз уриштиришларни ҳар доим сезиб турардик. Лекин ҳеч қачон бу тарздаги

яхши ғийбатларга эътибор бермаганмиз. Аксинча, ана шундай шивир-шивирларнинг кўпайишини нима учундир дил-дилдан истаганмиз. Зарифани билмадим-у, ҳарқалай, мен бу ғийбатлардан хурсанд бўлганман.

Ниҳоят, мен кутган сониялар ташриф этгандек бўлди. Зарифадан мен билан бирга айланишини сўрадим. У эса ҳеч иккиланмасдан рози бўлди. Биз синфдошларнинг ҳар хил пичинг гап-сўзларига эътибор бермай, унчалик қуюқ бўлмаган арчазорни оралаб кетдик. Даставвал, иккалаимиз ҳам гапни нимадан бошлашни билмай, анча жойгача жимгина кетдик. Бироқ ён-атрофимиздаги манзаралар ортиқча сукут этмокликка йўл бермади. Зарифа эндигина очилаётган, бири-бирдан чиройли гиёҳлар ҳақида тинимсиз саволлар ёғдирарди. Менинг эса қулоғимга ҳеч нарса кирмас, бутун ўй-хаёлим унга ҳозир айтажак сўзларимда эди. Охири бўлмади.

– Зарифа, сенга бир нарса айтсам хафа бўлмайсанми? – дедим овозим қалтираб.

Бу гапни шу қадар мунгли ва илтижоли бир алфозда айтдимки, гапларимнинг оҳангидан ўзим уялиб кетдим.



АДАБИЙ МЕХМОНХОНА



– Биласанми, мен... мен сени яхши кураман. Эшитяпсанми, мен бу гапларни узоқ йиллардан бери асраб келяпман. Сени биринчи марта кўрган-нимдаёқ яхши кўриб қолганман.

Пойинтар-сойинтар қилиб яна нималардир дедим. Ҳозир эсимда йўқ. Эсимда қолгани шуки, Зарифа менга аллақандай сирли табассум билан тикилиб қолган эди. У гапларимни тинглагач, нима учундир маънос бўлиб қолди. Бу ғамгинликни ўзимча таҳлил этар эканман, беихтиёр сесканиб тушдим.

"Зарифа бошқа бировни севса-чи?"

Шартта унинг қўлидан тутдим. Бу журъатни қайдан олганимни ҳалиям билмайман. Зарифа атрофга хавотир назари билан боқаркан, секингина қўлларимни қисиб қўйди.

– Агар тушунарли бўлган бўлса... энди қўлимни қўйиб юборарсиз.

Эҳ, дунёдаги энг бахтиёр инсон эдим. Энди менга ҳаммаси тушунарли эди. Лекин атай ўзимни тушунмасликка олдим.

– Зарифа, менга очиғини айт, – дедим жиддий оҳангда.

– Нима, ҳеч нарсага тушунмайсизми? Нима қилай бундан бошқа. Сизни севаман, деб бақирайми? Сиз айнан шуни хоҳлаяпсизми?

Зарифа ортига бурилди-да, тез-тез юриб кетди.

– Кечирасан, энди ҳаммаси тушунарли. Биласанми, мен сени бахтли қиламан! Эшитяпсанми?!

... Узоқ вақт жим бўлиб қолдик. Бу орада арчазор тугаб, ялангликка чиқдик. Бу ердан теваракатроф шу қадар равшан ва чиройли кўринардик, Зарифа қувонганидан қичқириб юборди. Табиатнинг бу мўъжизасидан руҳланиб, биз тобора тепаликка кўтарила бошладик. Мен Зарифанинг қўлларидан ушлаб олган эдим. Ниҳоят, баланд тепаликнинг устига чиқдик. Пастда бесарҳад кир-адирлар ястаниб ётарди.

Биз кўтарилган тепаликнинг иккинчи томони чуқур сайхонлик бўлиб, ундан бир ариқ сув оқиб ётарди. Ариқнинг бошланишида эса каттагина майдонни эгаллаган қамишзор ва тошлар билан ўраб қўйилган булоқ кўзга ташланиб турарди. Тепаликдан қараганда бу манзара қандайдир сирли бўлиб туюларди. Мана шу жозиба Зарифани ўзига ром қилиб қўйди. Ва у сайхонликка тушиш таклифини билдирди. Дастлаб, мен бу таклифга рози бўлмадим. Чунки ҳозиргина пастдан чиқиб келган эдик-да. Қолаверса, негадир у ёққа боришга ҳеч

оёғим тортмади. Бироқ мен ҳар қанча қаршилик кўрсатмайин, Зарифа сўзида туриб олди.

Биз аста-секин сайхонликка туша бошладик. Бир пайт... тўғрироғи, тепаликнинг ярмига келганимизда, Зарифа таққа тўхтади-ю нимагадир ҳайрат ва кўрқув билан пастликка тикилиб қолди. Мен эса унинг тикилиб турган томонига қараб ҳеч нарса кўрмас эдим.

– Қаранг, булоқнинг ёнига қаранг, оқ отни кўряпсизми? – деди Зарифа ҳайратланиб. – Қаранг, умримда бунақа чиройли от кўрмаганман.

Зарифанинг овозида ҳайрат аралаш хавотир бор эди. Мен эса ҳарчанд уринмайин, булоқнинг ёнида ҳеч нарса кўрмас эдим.

– Зарифа, чарчабсан. От сенинг кўзингга кўри-няпти. Балки от мингинг келгандир, – ҳазиллашдим мен.

– Йўқ, ана, э... қаранг, биз томонга чопиб келяпти. Қаранг... важоҳати ёмон, қочдик.

Бир пайт Зарифа ортига қараб чопа бошлади. Мен эса кўрқувдан тахта бўлиб қолган эдим. Ҳай-ҳайлаганимча Зарифанинг ортидан чопа бошладим. Бироқ қанча уринмайин, унга етолмасдим. Зарифа тепаликдан қиялаб шундай чопардики, биласизми, бу оддий одамнинг югуришига сира ўхшамасди. Зарифа мисоли учарди.

– Зарифа, тўхта!

У югуриб кета-кета ортига бурилди. Бурилди-ю, аллақандай ёввойи овозда чинқириб юборди:

– Қочинг!!!

У шундай деди-ю, йиқилиб тушди. Бир амаллаб, ҳарсиллаганча ёнига етиб келдим. Зарифа ҳушсиз ётарди. Даҳшатга тушиб кетдим. Нима қилишни билмайман. Қарасам, биз турган жойдан сал нарироқдаги това тошнинг тагидан си-зибгина сув чиқиб турарди. Югуриб бориб, бир ҳовуч сув олиб келдим-да, Зарифанинг юзига сепдим. У бир сесканиб тушиб ўзига келди. Ҳушига келди-ю йиғлаб юборди. Хуллас, ўша пайтдаги кўрқувни, ҳайратни, ҳаяжонни сўз билан ифода қилай олмайман. Экскурсияга чиққанимга минг пушаймон бўлдим. Бундан атиги ўн-ўн беш дақиқа илгариги қувончимдан асар ҳам йўқ эди. Мен нуқул Зарифага тикилар эдим. Ундан нима бўлганини сўрашга ботина олмасдим. У эса жимгина ўтирар эди.

– Зарифа, юр кетамиз, – дедим.

У индамайгина ортимдан эргашди. Унинг ҳолатидан хафа бўлиб кетдим.

Биз тушлик тайин қилинган манзилга етиб келганимизда, деярли ҳамма болалар шу ерда экан. Ҳамма ҳазил-хузул билан тушлик қилишди. Даврада фақат икки киши – мен ва Зарифагина паришон ва ғамгин бўлиб ўтирар эдик. Бизнинг ҳолатимизни кузатганлар яна пичинг гаплар қилишга тушиб кетишди. Лекин бу гапларнинг бирортаси кулоққа кирмасди. Менинг хаёли-хушим Зарифада эди. «Унга нима бўлди ўзи? У нимадан кочди? Оқ от қаердан пайдо бўлди? Ахир, мен уни кўрмадим-ку!» Бу каби саволларга жавоб тополмай овора эдим. Зарифа эса ҳеч нарса гапирмас эди.

Дарҳақиқат, не-не орзулар билан кутган экскурсия менга татимади. Уйга афтодаҳол кайфият билан келдим. Ҳа, дарвоқе, ўша куни уйга қайтаётганимизда Зарифа бўлиб ўтган воқеани ҳеч кимга айтмаслигимни илтимос қилди. Аслида, у илтимос қилмаса ҳам бу мудҳиш воқеани ҳеч кимга айтолмасдим.

Эртаси куни Зарифа мактабга келмади. Бундан багтар хавотирландим. Лекин дардимни ҳеч кимга айтолмадим. Начора, яна бир тунни бедор ўтказадиган бўлдим. Кунбўйи хаёлим паришон бўлиб юрди. Қулоғимга ҳеч нарса кирмас эди.

Нихоят, узундан-узоқ бир кун ўтди. Зарифа мактабга келди. Унинг ранги-рўйи бир аҳволда эди. У синфга кирди-ю китоб дафтарларини столига қўйиб, яна ташқарига чиқиб кетди. Энг қизиғи, синфхонадаги ҳеч ким билан кўришмади. Ҳатто бирга ўтирадиган дугонаси билан сўрашмади ҳам. Хайрон бўлиб орқасидан чикдим. Ажабо, Зарифа катта-катта кадам ташлаб уйи томон кетиб борарди. Ортидан югурдим.

– Зарифа, сенга нима бўлди, қаёққа кетяпсан? – дедим унга яқинлашиб.

– Сен кимсан? – деди у ортига бурилиб.

Даҳшатга тушиб кетдим. Чунки унинг кўзлари бежо эди. Юзларида ғайритабиий бир ифода бор эди.

– Қоч, мен сени биламан, сен мени йиқитиб кетган оқ отсан, оқ ажалсан, – деди у, сўнг устимга бостириб кела бошлади.

– Зарифа... Зарифа, сенга нима бўлди?

Даҳшатдан йиғлаб юбораёздим. Шу пайт қаердандир Зарифанинг онаси билан акаси пайдо бўлди. Акаси менга ташланмоқчи бўлган Зарифани маҳкам кучоқлаб кўтариб олди. Онаси эса хикқиллаб йиғлаганича, менинг ёнимга келди.

– Болам, шўрим қуриб қолди. Зарифага бир нарсалар даф қилганга ўхшайди. Хаёли ўзида эмас, – деди у. – Кечадан бери қилмаган амалимиз қолмади. Ҳеч нарса фойда бермаяпти. Яккабоғда бир ромчи бор экан. Бугун ўша ёққа бораман. Сен-чи, бу кўрганларингни ҳеч кимга айтмагин, хўпми?! Дўстандан душманимиз кўп. Эл орасида гап-сўз кўпайиб юрмасин, хўпми?!

Тиззаларим қалтираб, танамдан жоним чиқиб кетгандек бўлди. Зарифанинг онасига экскурсиядаги оқ от воқеасини айтиб бердим. Бечора она йиғлай-йиғлай "қизимни дев урибди", деб "ташхис" қўйди. Сўнг калаванинг учини топган изқувардай югургилаб уйига кетди.

Мен эса бўлган ва бўлаётган воқеалардан қарахт эдим. Орадан икки-уч кун ўтиб қишлоқда дув-дув гап тарқалди. Нима эмиш, Намоз тракторчининг кенжа қизи тентак бўлиб қолган эмиш...

Бу Зарифа эди!

Ҳа-ҳа, ўша қоракўз, қорақош менинг севимли Зарифам! Дунё кўзимга қоронғи бўлиб кетди. Қулоқларимга ишонмадим. Лекин начора, бу ҳақиқат эди. Ростдан ҳам Зарифанинг хаёли-хуши ўзида эмас эди. Ҳарқалай, у ҳақда эшитаётганларим бу фикримни исботлаб турарди.

Йилдирим кунлар ўтаверди. Зарифани ўз ҳолига келтириш учун ота-она, қариндош-уруғларининг қилмаган амали, бормаган касалхонаси қолмади. Аммо ҳаммаси натижасиз эди. Биласизми, Зарифа кундан-кун ёмон томонга қараб ўзгариб борарди. Мен уни кўриш учун жуда кўп марта бордим. Лекин у мени танимади. Энг ёмони, мен ҳам уни танимасдим. Чунки у энди ўша Зарифа эмас эди.

Орадан олти ой ўтиб... Зарифа вафот этди. Менинг илк муҳаббатим, орзуларим, умидларим бир уюм тупроққа айланди. Ишонгим келмасди. Лекин ишонмай, тақдирга тан бермай иложим йўқ. Одамзод бу дунёга фақат тоқат қилиш учун келган. Шоир айтганидек:

Бизнинг вазифамиз кўникмоқ беун,
Бизнинг вазифамиз унутмоқ фақат.

Мен қисматнинг бешафқат ўйинига кўникдим, лекин уни унутолмадим. Уни унутиш менинг вазифам эмас экан. Ҳар йили осмонларни тўлдириб турналар ўтган кезлар Зарифани эслайман. Улар менга бахтсиз қизнинг айтилмаган қўшиқларини куйлаб бераётгандек бўлаверади, бўлаверади...